

ФОНДЛАРНИ УНИВЕРСАЛ ЎНЛИ КЛАССИФИКАЦИЯГА ЎТКАЗИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧЛАРИ

*Умида Тешабоева,
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
директор ўринбосари*

In this article was mentioned about classifications which are using during handling resources by informational-librarian organizations and the job of transition of the resources of the National Library of Uzbekistan and in near future all informational-librarian organizations' funds into Universal Decimal Classification (UDC) in Uzbekistan.

Универсал ўнли классификация (УЎК) 100 йилдан ортиқ вақтдан бери мавжуд бўлиб, ўтган давр мобайнида кўплаб ўзгаришлар ва танқидларга учраган, аммо буларга қарамасдан, ҳозиргача кенг тарқалиши бўйича унга тенг келадигани йўқ. Халқаро библиография учун классификацион тизим сифатида вужудга келган УЎК, бугунги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатларида босма нашрларни, турли шаклдаги ҳужжатларни тизимлаштиришда ва картотекаларни ташкил қилишда қўлланилади. УЎКни ахборот-қидирув тизимларида қўллаш унинг кейинги ривожланиш истиқболларини аниқлайди.

Универсал Ўнли Классификация индекси – кутубхоналар, маълумотлар базалари ва ахборотни сақлайдиган жойларда инсоният томонидан йиғилган билимларни тизимлаштириш негизи ҳисобланади. Классификация XX асрнинг бошида библиографлар Пол Отле ва Анри Лафонтен томонидан яратилган. Унинг асосини америкалик библиограф Мелвил Дьюининг Ўнли классификацияси ташкил қилади. 1876 йили биринчи марта ушбу классификация жадвали қисқа вариантда юзага келган. Энг аввалида Дьюи ўз классификацион тизимини икки мақсадда – китобларни тизимлаштириш ва жойлаш-

тириш учун яратган эди. Аммо ҳозирги найтда классификацияни қўллаш соҳаси ва белгиланган мақсади кўп қиррали ва АҚШ ҳамда баъзи Европа давлатларида машҳур бўлиб, асосан оммавий кутубхоналарда қўлланилади.

М.Дьюи П.Отле ва А.Лафонтенга ўз системасидан беғараз фойдаланиш ва нашр қилинган билимларнинг кенг қамровли каталогини яратиш учун тақдим қилган. УЎК жадвалининг биринчи нашрини тайёрлашга 12 йил сарф қилинган бўлиб, у 1905 йили француз тилида нашр қилинган.

Ахборот-кутубхона муассасалари ахборот-кутубхона фонди тизимлаштирилган ахборот-кутубхона ресурсларининг мажмуи ҳисобланади. Барча ахборот-кутубхона муассасалари ахборот-кутубхона фондиди шакллантиради, унинг бут сақланишини таъминлайди ҳамда фойдаланувчиларга тақдим қилади.

Ахборот-кутубхона фонди нашрларни ва бошқа ахборот-кутубхона ресурсларини (карта, атлас, нота, грампластинка, микрофиш ва микроформалар, CD ва DVD дисклар ва бошқ.) сотиб олиш, уларга обуна бўлиш, уларни айирбошлаш, текинга олиш, шу жумладан, ҳадяга олиш ҳисобига жамланади.

Жамланган ахборот-кутубхона фонди ҳисобга олинади ва ишловдан ўтказилади. Нашрларга ишлов бериш икки қисмдан иборат бўлади: илмий ишлов бериш ва техник ишлов бериш. Илмий ишлов бериш бу нашрларга фан ва билим соҳалари бўйича классификация индексларини қўйишни ўз ичига олади. Мамлакатимиз ахборот-кутубхона муассасаларида нашрларга илмий ишлов беришда асосан иккита классификация қўлланилади. Бу Кутубхона Библиографик Классификацияси (КБК) ва Универсал Ўнли классификацияси (УЎК).

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси 2016 йил март ойдан кутубхонага келиб тушаётган ресурсларни УЎК жадвали бўйича ишловини амалга оширишни бошлади. Нима учун? Биринчидан, кутубхона фондларидаги ресурслар ҳам КБК, ҳам УЎК, ҳам формат тартибда жойлаштирилган. Бунга асосий сабаб кутубхона фондларини жойлаштиришда максимал даражада китоб сақлаш фондларидаги жойлардан унумли фойдаланиш бўлган, чунки 2011 йилга қадар кутубхона 3 бинода фаолиятини юритган. Ўтган асрнинг 1970–1980 йилларида

кутубхонага бир йилда 25-30 мингдан зиёд нашрлар қабул қилинади. Кутубхона амалиётига 1970 йилдан формат-тартибли жойлаштириш кириб келган ва бу ўша шароит учун мақбул жойлашув деб топилган Ҳозирда кутубхона фондларида I дан IX форматгача бўлган ресурслар мавжуд. Иккинчидан, янги бинода фондлар бир жойда жойлашди. Энди фойдаланувчилар кутубхона ресурсларига буюртмаларни беришда зарур бўлган адабиётларини бир неча шифрларда мавжудлигини ва бу буюртмаларни расмийлаштиришда ноқулайликлар туғдираётганини таъкидлашмоқда (Масалан, С.Аҳмаднинг «Жимжитлик» асари кутубхонанинг ёрдамчи фондларида КБК бўйича, китоб сақлаш фондида эса қабул қилиш тартиби бўйича жойлаштирилган). Учинчидан, Миллий кутубхонанинг халқаро кутубхоналараро ахборот алмашувларни ривожлантириш вазифасидан келиб чиқиб, шунингдек, ахборот-кутубхона фаолияти, нашриётчилик ишларини янада ривожлантириш ва ягона давлат сиёсатини амалга ошириш мақсадида, дунёда ахборот ресурсларини тизимлаштиришда энг нуфузли ва кенг қўлланиладиган классификацияни жорий этиш масаласи юзага келди.

Республика ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятини ўрганишлар натижасида шу маълум бўлдики, мамлакатимиздаги аксарият ахборот-кутубхона муассасалари фондлари УЎК жадвалининг эски наشري ва Собик Иттифоқда Россия олимлари томонидан яратилган Кутубхона Библиографик Классификациясидан фойдаланиб келинаётган ва охириги 15 йил ичида ҳеч қандай ўзгартиришлар киритилмагани аниқланди. Шунингдек, таълим муассасалари ахборот-ресурс марказлари фондлари КБК асосида юритилади ва ҳозирги кунда фондларга қабул қилинаётган малакавий битирув ишларга илмий ишлов беришда УЎК фойдаланиш талаб этилади. Юқоридагиларни инобатга олиб, фондларга олинаётган ресурсларни УЎК (универсал ўнли классификацияси – UDC) бўйича илмий ишлов бериш ва жойлаштириш ҳамда жадвалнинг миллий вариантыни яратиш бўйича Республика методик кенгашининг 2014 йил 15 июль 15-сон баёнида Ишчи гуруҳи тасдиқланди. Кутубхона УЎК Халқаро консорциуми (UDC

Consortium) томонидан инглиз ва рус тилларида классификациянинг қисқа варианты олиш бўйича ишларни ташкил қилди. Консорциум томонидан имтиёзли (бепул) инглиз тилидаги УЎКнинг қисқа варианты тақдим этилди. Шунингдек, кутубхона ВИНТИ РАН билан УЎКни рус тилидаги кенгайтирилган шаклини сотиб олиш бўйича музокаралар олиб бориб, УЎК харид қилиш бўйича тендер эълони тайёрланди ҳамда 2015 йилнинг август ойида харид қилинди. УЎКнинг рус тилидаги вариантыни ўзбек тилига таржима қилиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Миллий кутубхона ахборот-кутубхона фондиди босқичма-босқич УЎК классификация жадвалига ўтказиш бошланган бўлиб, Мажбурий нусха асосида жамланадиган фонд ишловдан ўтказилаяпти. Қўлга киритилган натижалар бўйича эса навбатдаги босқичда ахборот-кутубхона марказларини ва ахборот-ресурс марказлари ресурсларини УЎК жадвалига ўтказиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади ва Ишчи гуруҳи томонидан муҳокама қилинади.

Натижада, Ўзбекистондаги ахборот-кутубхона муассасаларининг ахборот-кутубхона фондлари дунё миқёсидаги қабул қилинган талаблар бўйича илмий ишлов берилади, жойлаштирилади ҳамда юқорида келтириб ўтилган муаммолар бартавраф этилади.

Албатта, буни бирданига ҳал бўладиган иш дейиш қийин. Бунинг учун мутахассислардан кўникма, билим, тажриба, амалиёт талаб қилинади. Ушбу ишларни амалга оширишда мутахассисларни ўқитиш, ўргатиш орқали малакаларини ошириш зарур. Бу масала ечимини қисман бўлса ҳам ҳал қилиш ва методик ёрдам бериш мақсадида, адабиётларга ишлов бериш, комплекшлаш ҳамда ахборот-кутубхона фондларини сақлаш хизмати мутахассислари учун Каталогизатор мактабини ташкил қилиш кўзда тутилган.

Фойдаланилган манба

1. <http://dic.academic.ru/dic.nsf/ruwiki/685>